Қишлоқ ҳақиқати

قیشلاق حقیقتی

1993 йил 5 январь
СЕШАНБА
№ 2 (5.445).
НАРХИ:
ОБУНАЧИГА 3 СЎМ,
СОТУВДА 5 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК, ҲАМКОРЛИК—АСОСИЙ БОЙЛИГИМИЗ

ТОШКЕНТ ПРЕЗИДЕНТЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ

3 январь куни Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон давлат ҳамда ҳукумат бошлиқлари Тошкентга келдилар. Учрашувда иқтисодиётни барқарорлаштириш, бозор муносабатларига қийинчиликсиз ўтиш соҳасидаги куч-ғайратларни жипслаштиришга онд кўпгина масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилмоқда.

Бу учрашув Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ўтказилмоқда. Республика раҳбари ЎзА муҳбирларига мазкур анжуманнинг моҳияти тўғрисида бундай деди: «Ҳеч ким бизнинг истиқлолимизга даҳл қилолмаслиги учун ҳар биримиз ўз йўлимиздан, ўзаро тинч-тотув ва ҳамкорликда, жипслашиб ҳаракат қилишимиз зарур».

Барча давлат раҳбарлари Тошкентга келиш ҳақидаги таклифга бажонидил розилик берганликларини алоҳида таъкидламоқ керак. Уларнинг ҳар бири ўз мамлакати манфаатини ўйлаб иш тутиши табиий. Шу билан бирга уларни ягона мақсад бирлаштиради, у ҳам бўлса— иқтисодий муаммоларни қандай қилиб бўлмасин тезроқ ва осонроқ бартараф этиш, минтақада ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйишдир.

— Гарчи мустақил бўлсак-да, ўзимиз ҳал қилолмайдиган кўпгина муаммоларга дуч келдик, — деди Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Имомали Раҳмонов. —Ҳар ҳолда, тоғли ўлкамиздаги турмуш аста-секин ўз маромига тушмоқда. Янги йил байрами кунларида республикада биронта ўқ отилмади. Назаримда, бу учрашув Тошкентда ўтказилишининг ўзига хос рамзий маъноси бор. У азалдан тинчлик ва дўстлик шаҳри бўлиб келган. Бошимизга кулфат тушган кезларда ўзбек халқининг биродарлик ёрдами эса, беқиёс бўлди. Биз халқ осойишталигини тиклашимиз, барбод этилган иқтисодиётни оёққа қўйишимиз керак. Бу борада Тошкент учрашуви муҳим қарорлар қабул қилишига ишончим комил.

Туркманистон Республикасининг Президенти Сапармурод Ниёзов қуйидаги фикрни билдирди: «Республикаларимизнинг мустақилликка эришуви мутлақо алоҳида бўлишни билдирмайди. Қолаверса, бугунги кунда ўзаро манфаатли муносабатлар биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан Ислом Каримовнинг учрашув ўтказиб, янги йилдаги иш режаларимизни муҳокама қилиш тўғрисидаги таклифини айни вақтида қилинган тўғри таклиф, деб ҳисоблайман».

Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев Тошкент учрашувининг аҳамияти ҳақида гапириб, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ўртасидаги азалий анъанавий дўстона муносабатларга журналистларнинг эътиборини қаратди. Ҳозирги шароитда бу муносабатларни такомиллаштириш, янги босқичга кўтариш зарурлигини айтди. Бу улкан минтақада яшовчи халқлар қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлганликлари туфайли маданий бозор муносабатларига осонгина ўта олишлари, халқнинг турмуш даражасини анча кўтаришга эриша олишлари мумкин ва лозим.

Қозоғистон раҳбари учрашувни ҳукумат бошлиқлари ва етакчи экспертлар иштирокида Тошкентда ўтказиш ҳақидаги таклиф ниҳоятда долзарблигини таъкидлади.

— Йил бошидаёқ энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун йиғилганимизда чуқур рамзий маъно бор, — деди Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев. —Парчаланиш ва жиддий инқироз даври ортда қолди, деб ўйлайман. Истиқболдаги йил бунёдкорлик йили бўлади. Бунда куч-ғайратларни жипслаштирмай туриб, биргаликдаги ҳаракат дастурисиз муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Аэропортда Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон давлат ҳамда ҳукумат бошлиқларини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари томонидан учрашув қатнашчилари шарафига зиёфат берилди.

Л. ЛЕВИН,
А. АЗИМОВ,
ЎзА мухбирлари.

ҚЎШМА АХБОРОТ

Давлат бошлиқлари: Қозоғистон Республикасининг Президенти Н. А. Назарбоев, Қирғизистон Республикасининг Президенти А. А. Акаев, Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси И. Раҳмонов, Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов 1993 йил 4 январда Тошкентда учрашдилар. Учрашув қатнашчилари минтақа давлатларидаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни батафсил муҳокама қилдилар. Ушбу мустақил давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли иқтисодий, ижтимоий алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олиш фойдали бўлди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги аҳвол кўриб чиқилди. Ҳаммани қизиқтираётган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Муҳокама чоғида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида иқтисодий, молиявий соҳаларда ва бошқа соҳаларда ўзаро келишилган сиёсатни амалга ошириш зарурлиги ҳақида таклифлар айтилди.

Учрашувда минтақа мамлакатлари ўртасидаги икки ёқлама ва кўп ёқлама шартномалар ҳамда савдо-иқтисодий битимлар қандай бажарилаётгани таҳлил этилди. Бу муносабатлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва инсоний муаммоларни амалий ҳал этишда, шу жумладан ишлаб чиқаришдаги таназзул ва пулнинг қадрсизланиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши оқибатларини маълум даражада енгиллатиш учун асос бўлганлиги таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари минтақа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни тиғин ҳам мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар. Давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар ижросини мунтазам назорат қилиб боришнинг аниқ воситаларини ишлаб чиқиш тўғрисида бир фикрга келинди.

Давлат бошлиқлари минтақа ягона ахборот доирасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Телевидение маркази Тошкентда, республикаларо газета таҳририяти эса Олмаотада жойлашади. Айни бир пайтда Марказий Осиё давлатларининг Форс кўрфази ва Тинч океанга чиқиши масаласи ҳам ўрганилади. Бунинг учун катта маблағ талаб қилиниши тушунарлидир. Лекин, Президентларнинг фикрича таклиф этилган бир неча лойиҳани амалга ошириш мумкин.

Табийки, Тожикистон муаммоларига жуда жиддий эътибор берилди. Давлат бошлиқлари якдиллик билан Тожикистон чегаралари даҳлсизлигини айтдилар. Қўшни республикадаги аҳволни тезроқ барқарорлаштириш учун у ерга одамийлик ёрдами: кийим-кечак, дори-дармонлар, озиқ-овқат, ёнилғи-мойлаш материаллари юборилади. Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам ҳақида учрашув чоғида имзоланган Шартнома бундай одамийлик ёрдами бериш учун асос бўлди. 11 январь куни худди шундай ҳужжатни имзолаш учун И. Раҳмонов Олмаотага жўнаб кетади.

— Иттифоқни тиклашга шу масала юзасидан матбуотда пайдо бўлган бир қанча мақолаларга қандай қарайсиз?

Бу саволга барча давлат бошлиқлари бир хил жавоб қайтардилар. Орқага қайтиш йўқ ва мумкин ҳам эмас. Улкан минтақа ҳеч қачон бошқа бирор давлатнинг ҳом ашё етиштириладиган ўлкасига айланмайди.

— Тарих ғилдирагини орқага буриб бўлмайди, деди Ислом Каримов бу фикрни ривожлантириб. — Лекин Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига шу қадар шошилиб, жаноза ўқилмаслиги керак. Минскдаги учрашув кўп жиҳатдан бурилишни бошлаб берадиган учрашув бўлиши лозим. Чунки ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилгани йўқ. Марказий Осиё давлатлари анъанавий қўшни давлатлар бўлиб, маданияти, анъаналари ва тилининг ўхшашлиги уларни жипслаштиради, бу давлатлар ўз йўлидан борадилар, бунга шак-шубҳа йўқ.

Тошкент учрашуви якунлари юзасидан қўшма ахборот қабул қилинди. Давлат бошлиқлари навбатдаги мажлисни Ашгаботда ўтказишга қарор қилдилар.

* * *

Учрашув қатнашчилари— мустақил давлатларнинг раҳбарлари шу куни Тошкентдан жўнаб кетдилар.

Л. ЛЕВИН,
А. КАРИМОВ,
ЎзА мухбирлари.

* * *

СУРАТЛАРДА: учрашув пайти.

А. ЗУФАРОВ ва Р. НУРИДДИНОВ олган суратлар. (ЎзА).

ОРҚАГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ. ТАРИХНИНГ ЙЎЛИ ОЛҒА БОРИШДИР

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Тошкентга учрашувга келган Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари бошлиқлари эшикларни беркитиб олиб, уч соатдан кўпроқ мажлис қилдилар. Бу кенг доирадаги музокаралар янги йилнинг биринчи иш кунида ўтганлиги журналистларнинг эътиборидан четда қолмади. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бир соатни ҳам қўлдан бермаслик керак. Ҳамдўстлик мамлакатларида вужудга келаётган вазият шошилинч чоралар кўришни талаб қилмоқда!

Бу тахминни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Олий Кенгашининг Раиси Имомали Раҳмонов иштирок этган ва анча давом этган журналистлар билан учрашув тўла тасдиқлади.

Шуни таъкидлаш керакки, оммавий ахборот воситаларининг қийин саволларига асосан Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев жавоб қайтардилар. Уларнинг биринчи жавобиёқ шов-шувга сабаб бўлди: Тошкентда Марказий Осиё давлатларининг янги ҳамдўстлигини барпо этиш учун барча шарт-шароит яратилди. Аммо бу Ўрта Осиёдаги собиқ республикалар ва Қозоғистон МДҲ билан алоқаларни бутунлай узмоқчи, деган гап эмас. Улар имзоланган ҳужжатларга амал қилишга, тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга тайёрдирлар. Аммо биринчи навбатда бу давлатлар ўз манфаатларини ҳисобга оладилар. Президентлар бу гапларни далиллар билан етарли даражада асослаб бердилар.

Мутахассисларнинг фикрича, 55 миллиондан ортиқ одам яшайдиган Марказий Осиё минтақаси ўзининг иқтисодий салоҳияти билан энг равнақ топган мамлакатлар билан баҳслаша олади. Бой хом ашё ресурсларининг мавжудлиги, халқларнинг меҳнатсеварлиги, иқлим шароитини қулайлиги ана шундай салоҳиятдир.

Хуллас, бешта мустақил давлат ҳудудида сифат жиҳатидан янги минтақа бозори вужудга кела бошлади. Бу бозорда ягона бож қоидалари, солиқ тизими, ягона мудофаа доираси, ўзаро келишилган нархлар мавжуд бўлади... Бундан ташқари тақчил хом ашё ва материалларни ўзаро етказиб беришда энг яқин қўшниларга афзаллик берилади. Масалан, Қозоғистон эндиликда хом нефтнинг анча қисмини Ўзбекистон ва Туркманистондаги заводларда қайта ишлайди, дон, энергетика қувватлари, жаҳон нархларида сотиладиган бошқа моллар хусусида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

Бироқ, мустақил давлатларнинг раҳбарлари бир неча бор таъкидлаганларидек, бу жаҳондаги бошқа давлатлардан ажралиб қолиш деган гап эмас. Мустақил мамлакатлар мавжуд чегаралари қатъий эътироф этадилар. Ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар, айниқса Россия Федерацияси билан бундан буён ҳам мустаҳкам ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар.

Президентларнинг жавобларида рубль зонасига катта эътибор берилди. Журналистлар билан учрашувда таъкидланганидек, сўнгги вақтда Россия молия сиёсатида монополиячи сифатида иш тутиб, бошқа давлатларнинг манфаатларини эътиборга олмаяпти. Бу эса мустақил давлатларнинг иқтисодиётига салбий таъсир қилмоқда. Шу сабабли давлат бошлиқлари билан бирга келган мутахассислар ўз валютасига ўтишнинг эҳтимол тутилган вариантларини муҳокама қилдилар. Бироқ, бу ишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Мазкур саволга ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг 22 январда Минскда бўладиган учрашуви аниқ жавоб беради. Лекин ҳозир шуни айтиш мумкинки, Тошкент учрашувининг қатнашчилари бу масала хусусида ўз таклифларини киритадилар. Бу соҳада томонларнинг ўзаро ён босиши зарур бўлади.

Тошкентда ана шу масалалардан ташқари Орол денгизи терасидаги экологик барқарорлик муаммолари муҳокама қилинди. Бунинг учун бешта давлатнинг қўшма жамғармасини ташкил этишга қарор қилинди. Жамғарма фалокат зонасида жойлашган учта шаҳарда навбати билан иш олиб боради. Каспий денгизи хусусида манфаатдор томонлар билан музокаралар олиб боришга ҳам аҳд қилинди. Бу музокараларда Россия ва Эрон вакиллари ҳам қатнашмоғи лозим.

Давлат бошлиқлари ягона ахборот доирасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Телевидение маркази Тошкентда, республикаларо газета таҳририяти эса Олмаотада жойлашади. Айни бир пайтда Марказий Осиё давлатларининг Форс кўрфази ва Тинч океанга чиқиши масаласи ҳам ўрганилади. Бунинг учун катта маблағ талаб қилиниши тушунарлидир. Лекин, Президентларнинг фикрича таклиф этилган бир неча лойиҳани амалга ошириш мумкин.

Табийки, Тожикистон муаммоларига жуда жиддий эътибор берилди. Давлат бошлиқлари якдиллик билан Тожикистон чегаралари даҳлсизлигини айтдилар. Қўшни республикадаги аҳволни тезроқ барқарорлаштириш учун у ерга одамийлик ёрдами: кийим-кечак, дори-дармонлар, озиқ-овқат, ёнилғи-мойлаш материаллари юборилади. Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам ҳақида учрашув чоғида имзоланган Шартнома бундай одамийлик ёрдами бериш учун асос бўлди. 11 январь куни худди шундай ҳужжатни имзолаш учун И. Раҳмонов Олмаотага жўнаб кетади.

— Иттифоқни тиклашга шу масала юзасидан матбуотда пайдо бўлган бир қанча мақолаларга қандай қарайсиз?

Бу саволга барча давлат бошлиқлари бир хил жавоб қайтардилар. Орқага қайтиш йўқ ва мумкин ҳам эмас. Улкан минтақа ҳеч қачон бошқа бирор давлатнинг ҳом ашё етиштириладиган ўлкасига айланмайди.

— Тарих ғилдирагини орқага буриб бўлмайди, деди Ислом Каримов бу фикрни ривожлантириб. — Лекин Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига шу қадар шошилиб, жаноза ўқилмаслиги керак. Минскдаги учрашув кўп жиҳатдан бурилишни бошлаб берадиган учрашув бўлиши лозим. Чунки ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилгани йўқ. Марказий Осиё давлатлари анъанавий қўшни давлатлар бўлиб, маданияти, анъаналари ва тилининг ўхшашлиги уларни жипслаштиради, бу давлатлар ўз йўлидан борадилар, бунга шак-шубҳа йўқ.

Тошкент учрашуви якунлари юзасидан қўшма ахборот қабул қилинди. Давлат бошлиқлари навбатдаги мажлисни Ашгаботда ўтказишга қарор қилдилар.

* * *

Учрашув қатнашчилари— мустақил давлатларнинг раҳбарлари шу куни Тошкентдан жўнаб кетдилар.

Л. ЛЕВИН,
А. КАРИМОВ,
ЎзА мухбирлари.

* * *

СУРАТЛАРДА: учрашув пайти.

А. ЗУФАРОВ ва Р. НУРИДДИНОВ олган суратлар. (ЎзА).

Тошкент шаҳри,
1993 йил 4 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёнилғи, энергия манбалари, техника ва ускуналарга харажатлар муттасил ошиб бораётган шароитда республика шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташийдиган транспортнинг барқарор ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида «Шаҳар ва шаҳар атрофи автотранспортида йўловчилар ташиш тарифлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ метро, трамвай, троллейбус ва автобусларда йўл ҳақи 1993 йил 5 январдан бошлаб 3 сўм миқдорида белгиланди.

Шаҳар атрофи йўловчилар ташийдиган автомобилларида амалдаги йўл ҳақлари тарифининг энг юқори миқдори ҳам шу йил 5 январдан бошлаб 1,5 баравар ошади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ аҳолининг айрим тоифаларига шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш автомобилда транспортида юриш учун берилган ва ҳозир амал қилиб турган имтиёзлар сақлаб қолинади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Сўнгги вақтда электр энергия, ёнилғи, техника, асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар нархи беҳад ошиб кетганлиги натижасида республика йўловчиларни ташийдиган транспорт корхоналарининг иши қийинлашди.

Масалан, битта автобуснинг қиймати 102 баравар, такси учун фойдаланиладиган битта енгил автомобиль қиймати 750 баравар, бир тонна бензин — 210 баравар, бир киловатт электр энергия — 20 баравар, автомобиль шиналарининг битта комплекти қиймати 410 баравар ошди.

Ўтган йили бир йўловчининг жамоат транспортида бир марта юриши учун давлат бюджетидан қўшимча равишда ўртача 4 сўм 28 тийин сарфлаган бўлса, 1993 йилда харажатлар кўпайганлиги сабабли давлат ана шу мақсадга қўшимча равишда 4 сўм 65 тийин ажратмоқда.

Аҳолининг камбағал тоифаларини, айниқса пенсионерлар, талабалар ва мактаб ўқувчиларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида республика ҳукумати шаҳар ва шаҳар атрофи жамоат транспортида юриш қийматининг қатъий миқдорини белгилаб қўйди. Масалан, мактаб ўқувчиси автобусда юриш учун 40 сўмга имтиёзли карточка сотиб олган бўлса, у 60 сўм миқдорида имтиёз олган бўларди, эндиликда у 60 сўмга автобус карточкасини сотиб олса, 90 сўм имтиёз олган бўлади.

Олий ўқув юртларининг талабалари жамоат транспортининг уч турида юриш учун қиймати 66 сўмлик карточкани сотиб олиб, 204 сўм миқдорида имтиёз олган бўлсалар, эндиликда қиймати 99 сўмлик карточкани сотиб олиб, 306 сўм миқдорида имтиёз олган бўладилар.

Пенсионерлар хусусида ҳам худди шундай. Улар жамоат транспортининг уч турида юриш учун қиймати 94 сўмлик бир ойлик карточкани сотиб олиб, 236 сўм миқдорида имтиёз олган бўлсалар, эндиликда 141 сўмга бир ойлик карточкаларни сотиб олиб, 354 сўм миқдорида имтиёз оладилар.

Қарорда таъкидланганидек, йўловчиларнинг айрим тоифалари, жумладан Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва бошқа айрим тоифадаги йўловчиларнинг пассажир транспортида бепул юришлари сақлаб қолинади.

Транспортда текин ва имтиёзли юриш билан боғлиқ харажатлар 1 миллиард 101 миллион сўмни ташкил этади. 1993 йилда жамоат транспортининг зарарини қоплаш учун давлат 10,5 миллиард сўм ажратиши кўзда тутилмоқда.

ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ



«Мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик — бизнинг асосий бойлигимиз». Москвада чиқадиган «Деловая жизнь» журналининг янги сони Ўзбекистон Республикаси ҳукумати юритаётган сиёсатнинг мақсад-мазмуни жамланган ана шу сўзлар билан очилади.

Маълумки, сентябрь ойида халқимиз республика мустақиллигининг бир йиллигини зўр тантана билан нишонлаган эди. Бир йил тарих олдида ҳеч гап эмас. Аммо Ўзбекистон учун ўтган шу бир йил асрларга татигуликдир. «Деловая жизнь» ҳам ўз ўқувчиларига бунинг аҳамиятини атрофлича тушунтириб беришни мақсад қилиб, мустақил Ўзбекистон ҳақидаги материалларга катта ўрин ажратган.

Ўзбекистоннинг географик жойланиши, иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти ҳақида илгарилари ҳам матбуотда жуда кўп маълумотномалар чиққан. Аммо республика қиёфасини энди мустақиллик мезони билан баҳолаш керак. Журналдаги Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий аҳволи, ижтимоий тараққиёти ва ташқи иқтисодий алоқалари ҳақидаги лўнда ахборотлар бу талабга жавоб беради. Айни пайтда бу маълумотномалар журналхонларни Ўзбекистоннинг мустақил ҳаёти ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун навбатдаги саҳифаларни варақлашга ундайди.

«Жаҳон ҳамжамиятига ўз йўлимиз билан». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Деловая жизнь» журнали саволларига жавоби ана шундай номланган.

Журналда таъкидланганидек, Ислом Каримов, нафақат мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти ҳисобланади, балки собиқ иттифоқ республикалари орасида ҳам биринчи Президентдир. Бу катта масъулият. Бу катта жасорат. Мустақил бир йилнинг ўзбек халқи ҳаётидаги аҳамияти сарҳисоб қилинганда Президент масъулиятининг тарихий кўлами намоён бўлади. Шу қисқа даврда халқимизнинг асрий орзуси — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи амалга оширилди. Халқимиз мустақиллик йўлини танлади, бу янги Конституция билан мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон халқлари ўлкадаги битмас-туганмас бойликларнинг ҳақиқий хўжайинига айландилар.

Шу бир йил ичида чинакам демократик ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдеворини қўйишга муваффақ бўлинди. Ягона мафкура ҳукмронлиги барҳам топди. Кўппартиялик, фикрлар ва ғоялар хилма-хиллиги қарор топди.

Жаҳондаги 125 давлат Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини тан олди. 60 та хорижий давлат билан дипломатик алоқа ўрнатилди.

1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Умумевропа ҳамжамияти ва жаҳондаги бошқа бир қатор етакчи ташкилотларнинг аъзоси сифатида Ўзбекистон фаол ташқи сиёсат юритмоқда.

— Давлат тараққиёти жараёнида тўпланган ҳамма яхши ва фойдали нарсалардан фойдаланамиз, — дейди суҳбатининг давомида Ўзбекистон Президенти. — Республиканинг ўзига хос хусусиятига мос келувчи ҳамма нарсани оламиз. Аммо у ёки бу моделдан кўр-кўрона нусха кўчириш ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас.

Ислом Каримов ўз жавобларида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини атрофлича шарҳлаб беради.

Собиқ иттифоқ таркибидаги республикалар орасида Ўзбекистон вазиятнинг барқарорлиги, аҳолини ижтимоий ҳимояланганлиги билан ажралиб туради. Албатта журнал мухбирини бунинг сабаблари, республикада кечаётган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни, ерга муносабат, хусусийлаштириш, ташқи сиёсат, Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёда, умуман мусулмон давлатлари ўртасидаги ўрни ва роли каби кўпдан-кўп масалалар ҳам қизиқтирган. Ўзбекистон Президентининг жавобларини ўқиб, келажакка умид кўзи билан қараган, ўз кучига ва юртининг бойликлари ҳамда иқтисодий қувватига ишонган ҳолда ўзига хос йўл билан бахтиёр фаровон ҳаётга дадил одимлаётган ўзбек халқининг қиёфасини тўла тасаввур қилиш мумкин.

Журналда Ўзбекистон олий мажлисининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқтартибот масалалари бўйича қўмитаси раиси Эркин Ҳалилов «МДҲ: амалда ва келажакда» номли мақоласи билан қатнашган. Унда МДҲнинг ҳаётий зарурат туфайли пайдо бўлганлиги, бу ҳамкорлик жаҳон ҳамжамияти тарихида бутунлай янгича йўналишдаги муносабатларни бошлаб беражаги ишончли далиллар билан асослаб берилган.

«Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди». Бу шунчаки орзу эмас, балки республика ҳукумати юритаётган сиёсат, халқимизнинг бутун ҳаракати ана шу мақсадга бўйсундирилгандир. Республика Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўткир Султоновнинг «Мол олиб келишдан — четга мол чиқаришга» деган мақоласи ана шу ҳақдадир.

Маданий ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда фаол қатнашиш мақсадида республикамизда тижорат банкини очди. Йил охиригача унинг маблағини 1 миллиард сўм ва 20 миллион долларга етказиш мўлжалланаётир. Академия президенти Тошпўлат Тожиддиновнинг «Ўз ҳолимизча кун кечиролмаймиз» сарлавҳали суҳбатида таъкидланишича, мазкур ташкилотнинг Ўзбекистондаги фаолияти кўпқирралидир.

Мустақиллик республикамизда виждон эркинлигини таъминлашда янги имкониятларни намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Убайдулла Уватовнинг «Виждон эркинлиги — озодлик ва демократия қалби» деган мақоласида шу соҳада республикада амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов «Ватанимиз ягонадир» мақоласи билан «Деловая жизнь»нинг ушбу махсус сонида қатнашган.

Мустақил мамлакатнинг матбуоти ҳам мустақилликка хизмат қилиши шарт. «Бугун Ўзбекистондаги матбуот ходимларига жаҳон ҳамжамиятидаги давлатлар каби барча шароитлар яратиб берилган. Сиз Ўзбекистонга журналист сифатида келмоқчимисиз? Марҳамат, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган умум қабул қилган акредитация қондалари асосида Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот ва ахборот бўлимидан рўйхатдан ўтинг... Бундан бошқа муаммо йўқ». Лекин республикани ҳар қандай туҳматчи учун карвонсаройга айлантиришга йўл қўймаймиз! Бу кимларгадир тоталитаризм ва демократияни бўғиш бўлиб кўринар. Кечирасиз, азизлар, мустақил Ўзбекистонда ҳақиқий ва тўғри ахборотларни севиб ўқийдилар. Аксинча ишлаётган ҳамкасблар билан биз энди чиқишолмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шавкат Яхёевнинг «Саломга яраша алик» мақоласида мустақил Ўзбекистоннинг матбуот ва журналист ўртоқлар билан ҳамкорлик қоидалари ана шундай лўнда баён этилган.

Булардан ташқари «Деловая жизнь» саҳифаларида мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратларга ҳам кенг ўрин ажратилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ҳукумати юритаётган ички ва ташқи сиёсатнинг тўғрилигини тараққийпарвар кишилар тан олмоқдалар. «Деловая жизнь» журналининг 1992 йил 13—14 сони бунга мисолдир.

Бекобод районидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги деҳқонларн тупроқ ҳосилдорлигини оширишга катта эътибор беришади. Шу туфайли ҳар йили мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлишмоқда. Масалан, ўтган йили мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан пландаги 27 центнер ўрнига 30,3 центнердан оқ олтин териб олинди.

Хўжаликда 1993 йил ҳосилига ҳам пухта замин яратилмоқда. Ёрлар шудгорлаб қўйилди. Айни кунларда маҳаллий ўғит жамғариш қизғин олиб бориляпти.

СУРАТДА: колхоз бошқаруви раиси Ҳасанбой Бўрибоев, бош агроном Холмирза Аҳмадалиев ва механизатор Абдураҳим Маллаев далада.

А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

КЎЗ—ТАРОЗИ, КЎНГИЛ—ҚОЗИ

Сўнгги йилларда рўй берган тақчиллик савдога ҳам таъсир этмай қолмади. Дўконлар пештахталари бўм-бўш. Нархи юқори бўлса ҳам истаган нарсангизни топа олсангиз кошкийди... Бунинг устига савдодаги айрим суиистеъмолликлар аҳолининг ўринли эътирозига сабаб бўлаяпти. Шунинг учун ҳам одамлар кўпинча етишмовчиликларнинг асосий сабабчиси савдо ходимлари, дея бир ёқлама хулоса чиқаришади.

Аммо аҳолининг оғирини енгил қилишга бел боғлаган, бу ишда имконият топиб яхшигина натижаларга эришаётганлар ҳам кўп. Бу борада Андижон матлуботчилари олиб бораётган ишлар ибратлидир. Қуйида вилоят матлубот жамияти уюшмаси раиси Салимжон Иминов мухбиримиз Собиржон Рўзиматов билан бўлган суҳбатда шулар ҳақида ҳикоя қилади.

— Савдодаги бузилишлар ҳақида халқнинг куюнчаклик билан гапирганича бор. Бунга қонунларимизнинг бўшлиги, қолаверса собиқ «совет тузуми»дан қолган иллат — юлғичлик билан кун кўришга одатланганлар бор.

Уйингиз остонасидан ҳатлаб кўчага чиқишингиз билан кўзингиз устига тўрт қути сигарета, икки шиша ароқ, бир жуфт сақич қўйилган столга тушади. Бу қанақаси бўлди, десангиз, эгаси «эркинлик, ишбилармонман», деб жавоб беради.

Ҳа, ҳозир тижорат дўконлари шундай кўпки, ҳайрон қоласиз. Сотувчиларни айтмайсизми? Тоғни урса талқон қиладиган норғул йигитлар. Уларнинг аксариятида на махсус билим, на тузукроқ муомала бор.

Аммо аслини олганда айб фақат сотувчида эмас. Бунинг сабаблари кўп. Масалан, илгари давлат корхоналарида ишлаб чиқарилган молларни устига пул қўйиб сотувчилар чайқовчиликда айбланарди. Уларга чора кўриларди.

Ҳозир эса кўпчилик давлат ва матлубот савдоси дўконларида топилмайдиган, аслида турмуш учун зарур бўлган моллар тижорат дўконларида қалашиб ётибди. Кўпчилик меҳнаткашда уларни сотиб олиш учун пул қайда дейсиз. Дўконларга кириб ҳеч нарса харид қилолмай чиқиб кетаётганларни ва пештахта ортида жарақ-жарақ пул саналаб, катта гапираётган йигитларни кўрганда, молия, назорат, ҳуқуқ-тартибот идоралари қаердасиз, деб нидо ургим келади. Чунки харидор уларга қараб биз, матлуботчиларга ҳам тўн бичади-да.

Ёки қишлоқдаги сотувчининг аҳволини олайлик. Районлараро улгуржи савдо омборида мол тақсимланадиган кун. Ўша куни сотувчи базадаги омбор мудирига учрамаса, молсиз қолади. Сотувчи мудирга учраб аҳ-ратилган молни олди, дейлик. Транспорт машмашаси бошланади. Тўғри улгуржи савдо базасининг автокорхонаси бор. Бироқ ёнилғи тақчиллиги ишнинг белига тепади. Сотувчи ёнидан машина топади, унга ўз ҳисобидан ёнилғи қуяди, кейин молни дўконга келтиради. Энди молни тушириш муаммоси пайдо бўлади. Ишчи ёллаб молни туширади.

Маълумки, қишлоқ дўконларида ҳар хил моллар билан савдо қилинади. Вақтивақти билан дўконга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан полиз маҳсулотлари, олма, картошка ҳам келиб тушади. Унинг бузилиши, чириши бор. Келтириб сотилаётган ун қоплари ҳар биридан 3—4 килограммлаб кам келишичи... Эҳе, буларнинг ҳаммаси дўкон мудирининг бўйнига тушади. Хўш, энди айтинг-чи, сотувчи, заранги қаердан қоплайди? Ана шундай қилиб савдо ходимлари халқ орасида ёмон отлиғ бўлган.

Ҳозир очиқчасига гапирадиган замон. Тижоратга йўл очиш билан чайқовчиликнинг тегирмонига сув қуяяпмиз. Қолаверса, баъзиларни бели оғримай нон ейишга ўргатяпмиз. Ёш, билагидан куч ёғилиб турган йигитқизлар ҳалол меҳнатдан бўйин товлаб, ўзларини тижоратга уришининг сабаби ҳам шундан. Ҳадемай корхоналар, бирлашмалардаги ишлаб чиқариш меҳнат фахрийларига қолмаса, дейман.

Бу билан тижорат савдосини бутунлай тугатиш керак, демоқчи эмасман. Жумҳурият тўловларига келиб қўшилаётган тушумларда тижоратнинг ўрни катталигини иқтисодчи сифатида яхши биламан. Қонуний асосларда ҳалоллик, имон, эътиқодга суяниб махсус низомлар билан чегараланган нархларда, фақат ишлаб чиқариш орқали тижорат савдосини йўлга қўйиш бутунлай бошқа гап.

Бу мавжуд камчиликларга фақат ўзгалар айбдор, деганим эмас. Ўзимизда ҳам камчиликлар бор. Биз суиистеъмолликларга қарши қаттиқ кураш олиб борамиз. Чунки, ҳозирги тақчиллик шароитида харидорнинг ҳақига хиёнат, халққа хиёнат қилиш билан баробар. Меъёрлаштирилган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллар-нинг четга чиқаришга йўл қуйгани, таъминотда узилишни келтириб чиқаргани учун савдо идораларининг 11 нафар раҳбари ишдан олинди. Айримлари устидан жиноий иш қўзғатилган.

Масалан, Жалолқудуқ матлубот жамияти уюшмаси раиси ун маҳсулотларини талон-тарож қилиш ва ун четга чиқаришда назоратни сусайтиргани учун вазифасидан олиб ташланди. Қўрғонтепа нон маҳсулотлари комбинатининг мудири нон маҳсулотларини аҳолига сотиш ўрнига, унни чайқов нархида пуллашга йўл қўйган. Янги замон матлубот жамияти уюшмаси бошлиғи камомадларни келтириб чиқаргани учун жазоланди.

Мулоҳаза учун мавзу

Матлуботчилар камчиликларни тугатиб иложи борича аҳолига намунали хизмат кўрсатиш пайида бўлишаётир. Илгарилари харидор мол излаб дўконга келарди, эндиликда аксинча матлуботчилар харидорни изларяпти. Вилоятимизда салкам 2 миллион фуқаро бор. Уларнинг 70 фоизи қишлоқда яшайди. 24 минг кооператор эл хизматида! Фикри-ёдимиз қишлоқ кишиларини оғирини енгил, узоғини яқин қилишга қаратилган.

Бунда ишбилармонлик, шартнома йўли билан мол айрибошлаш қўл келяпти. Куни кеча Болтиқбўйи давлатларида сафарда бўлиб хориждан жўнатилаётган буғдойни андижонликларга юбориш билан банд бўлдим. Тошкентда деҳқончилик маҳсулотлари бўйича ўтказилган ярмаркада қатнашиб, ўзимиз учун бирмунча фойдали шартномалар тузиб қайтдим. Олтой ўлкасидан 5000 тонна сарҳил картошка келяпти. Нукусдан 10 минг тонна пахта мойи келтирдик. Хоразмдан 2,5 минг тонна гуруч харид қилиб аҳолига сотдик.

Қишда ҳам харидорларни зориқтирмаслик чораларини кўриб қўйганмиз. Омборхоналаримизга 10 минг тонна сабзавот, 3 минг тонна картошка, 2 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2 минг тонна буғдой, 500 тонна дуккакли ўсимликлар ҳосили ғамлаб қўйилган.

Юқорида айтилганидек, матлуботчиларимиз қишлоқ аҳолисининг турли маҳсулотмати билан мойжувозлар қуриляпти, қандолатчилик цехлари, атлас тайёрлайдиган устахоналар очилган.

Қўрғонтепалик матлуботчиларнинг ишбилармонлигидан харидорлар мамнун. Бу ерда ғўзапоядан уй шиплари учун қоплама — ДВП тайёрлаб сотиш йўлга қўйилди. Хуллас вилоятда 3 та нон комбинати, 26 та тегирмон, 20 та мойжувоз, 20 га яқин тикув цехи, гилам, атлас тўқиш устахоналари маҳаллий хом ашёдан маҳсулот бераяпти. Уларда 500 нафар қишлоқ йигит-қизлари фойдали меҳнат билан банд. Савдо хизматини рақамлар тилига кўчирадиган бўлсак, 1991 йилда аҳолига 1 миллиард 170 миллион сўмлик чакана савдо хизмати кўрсатилган эди. 1992 йилда бу кўрсаткич 4 миллиард сўмдан ошди.

Аммо ҳалво деган билан оғиз чучимагандек, кўрсаткичлар кўнгилни тўлдирмайди. Булар пулнинг қадрсизланиши, нарх-навонинг кўтарилиши эвазига, холос. Ҳар копи 18 сўм турадиган ун 600 сўмга ошгандан кейин, ўзгини ҳисобини чиқариб олаверинг!

Иқтисодимиз изга тушгач, фуқароларимизнинг даромадларига барака киришига имконим комил. Жумҳурият раҳбариятининг тинимсиз куч-ғайрати шунга қаратилганлиги бунга далил. Пештахталар молларга лиқ тўлиб, харидорлар дўконлардан табассум билан чиқадиган кунлар келади. Шу боисдан қурилишлар кўламини тўхтатганимиз йўқ. Ўн ойликда 16 миллион сўмлик капитал қурилиш ишларини бажардик. Чувама, Ёрқишлоқ, Дардоқ қишлоқларидаги янги савдо комплекслари, Жалолқудуқда 140 ўринли янги болалар боғчаси, Куйган ёрдаги оталар чойхонаси, Хакан ғишт заводининг таъмирланиши, шиша буюмлар цехининг ишга туширилиши фикримнинг исботидир.

Аммо ҳали камчиликлар ҳам, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам талайгина. Охирини ўйламай кўрилган тадбирлар айниқса ишимизнинг юришишига катта зарар келтирмоқда. Масалан, шошма-шошарлик билан бирлаштириш, марказлаштириш, яна бўлиб юбориш, ихтисослаштиришлардан тинкамиз қурияпти. Бунга мисол қилиб, мева, сабзавот қабул қилиш ва харид қилиш («Облкопзаготторг») бошқаруви тизимини олиш мумкин. Илгари бу ишлар билан вилоят матлуботчилари машғул эди. Янги тармоқ тузилди-ю, харидорларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари орқага кетди. Ерлиқдан бошқа ҳеч вақо йўқ. На совутгичлар ва на катта сиғимли омборхоналар бор. Оқибатда пишиб етилган маҳсулотларни деҳқон сотолмай сарсон-саргардон. Ириб-чириётган маҳсулотлар қанча... Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар деганлари шу-да!

Андижонлик матлуботчиларнинг кўпчилиги ўз касбига меҳр қўйган, меҳнаткаш инсонлар. Улар ўз билимлари, маҳоратлари, тажрибаларини ишга солиб, юрт ташвиши йўлида изланаверадилар. Мақсадимиз битта — у ҳам бўлса, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ҳалол меҳнат билан халқимиз тўқинлигини таъминлашга ҳисса қўшишдир.

ИШБОШИ—ЯХШИЛАР ЙЎЛДОШИ

Кишининг умри қилган ишлари билан ўлчанади. Ҳаётнинг мазмунли ўтиши ўз йўлини тўғри белгилаб олишига боғлиқ. Ишингдан элга наф тегаётган бўлса, демак тўғри қадам ташлаяпсан. 44 йилдан бери замин бағрига қулоқ тутиб, у билан тиллашиб келаётган Нурмамат ака буни яхши билади. Шу боис баъзиларга ўхшаб номигагина ишламайди.

У бир ёшга тўлганида отадан етим қолди. Падари бузруквор Қўчқор Турсунов жамоаластиришдаврида қишлоқнинг каттаю кичигини бир тан, бир жон бўлиб ишлашга даъват этган кишилардан эди. Дастлаб ҳосилот, кейин эса раис бўлиб ишлаган Қўчқор трактор ҳалокатидан вафот этди.

— Ўша даврда раисман деб раҳбарлар чеккага чиқиб турмасдилар, — хотирлайди уруш ва меҳнат фахрийси Шаккоз Ҳасанов, — Қўчқор Турсунов жуда эпчил киши эди. Хўжаликдаги ягона тракторни кўпинча ўзи ҳайдарди.

12—13 ёшимдан бошлаб колхозда ишлаб келаяпман, — дейди Нурмамат Қўчқоров. — Оғир дамлар эди. Иўқчилик фақирона оилаларни тобора ўз комига тортиб кетарди. Ўша йиллари меҳнат тўкинчиликни вужудга келтиришни онам тез-тез айтарди.

Нурмамат етти йил хўжаликда механизатор бўлиб ишлади. Бир гуруҳ фаоллар билан Қумтепа массивига отланганида орқаворотдан «Оббо, чўқуварлар-ей, ишқилиб эртага қайтиб келмасаларинг бўлгани» дея киноя қилувчилар ҳам бўлди. Нурмамат ака ва унинг шериклари деҳқончиликнинг ҳадисини олган Абдиназар Ҳасановни ўзларига бригадир қилиб сайладилар. Чинакамига тер тўкиб ишлашди. Кузда режалар ортиғи билан уддаланди.

Шундан бери эрта баҳордан даштга кетади. Ҳар тонг ишловчиларни олиб кетиш учун машина келади. Кечқурун яна уларни олиб кетади. Салкам йигирма йилдирки, аҳвол шу. Кишда Қумтепа дашти ҳувиллаб қолади.

Деҳқон фарзанди дастлаб бригадада сувчи бўлиб ишлади. Кўплаб ёшларни ишга олиб келиб, деҳқончилик сирларини ўргатди. Уста деҳқон бригада аъзолари ўртасида ҳурмат қозонган.

Орадан икки йил ўтгач, Қўчқоровни етакчи қилиб сайлашди. Манфаатдорлик ошгач, даштга борувчилар сони янада кўпайди. Ўша пайтларда бор-йўғи гектаридан 17—18 центнердан ҳосил олинган бўлса, бугун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига бу кўрсаткич 27—30 центнерни ташкил қилмоқда. Бригадир даштни шароитини, унинг инжиқликларини яхши билади. Шу боис доимо шогирдларига йўл-йўриқ кўрсатади. Пенсия ёшида бўлишига қарамай ҳамон далада.

— Нурмамат ака каби фидойи кишилар ҳамиша кераК, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Асад Жуманов. — Уларга таянамиз. У киши бу йилги мураккаб шароитда ҳам биринчи бўлиб режани уддалади. Нурмамат акадек кишилар қанча кўп бўлса, ишимиз шунча олға юришади.

Ҳа, Пастдарғом районидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг Нурмамат Қўчқоров етакчилик қилаётган жамоаси доимо меҳнатда муваффақиятларни қўлга киритиб келмоқда. Бригадада 16 та оилавий звено мавжуд. Уларнинг аксарияти бу йилги қийин шароитда ҳам топшириқни уддалади. Шермамат Кенжаев, Чоршами Ибодов, Парда Юнусов ва Барот Қўчқоров каби бошлиқ звеноларда ҳосилдорлик 30—35 центнерга етди. Механизатор Жўрақул Алиев дала юмушларида ҳамиша пешқадам.

Нурмамат ака ёш пахтакорларга ҳамиша маслакдош. Уларнинг ташвишини ўзиники деб билади. Жамоадаги муваффақият, аҳиллик бригадирнинг тадбиркорлигидан.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ.

КОНИМЕХГА ГАЗ КЕЛДИ

Конимех посёлкасидаги Соли Каримов номли кўча аҳолиси табиий газдан биринчи бўлиб баҳраманд бўлади. Яқинда ушбу кўчадаги аҳоли уйларини табиий газга мослаштириш ишлари бошланди. Бу ишни Қизилтепа тумани газлаштириш идорасининг ишчилари амалга оширмоқдалар. Аҳолига қулайлик яратадиган ана шу ҳайрли ишга қишлоқ Кенгаши раиси Бахтиёр Турмаханов, туман ҳокими Жалолиддин Нуруллаев, вилоят газлаштириш идораси бошлиғи Н. Холов, кўча вакилларидан Жияпмурод Қорабоев, Муҳиддин Каримов, Қурбон Наврўзовлар бошқош бўлмоқдалар.

Анъанага кўра газлаштиришда ғайрат кўрсатаётган Қизилтепа тумани газлаштириш идорасининг илғор ишчиси Акрам Отамуродовга чопон кийдирилди. У монтаж ишларини олиб бораётган ишчилар номидан миннатдорчилик билдириб, бу ҳайрли ишни ниҳоясига етказиш учун куч-ғайратини аямаслигини айтди. Янги йилгача Конимехдаги 100 га яқин хонадон табиий газдан баҳраманд бўлади.

А. РАҲМОНОВ.

Қайта ишлаш корхоналарида

КАТТА БОЗОР УМИДИ

Бундан бир неча йил муқаддам Термиз районидаги «Намуна» жамоа хўжалиги ҳудудида консерва заводи қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Корхонада вилоятнинг жанубий районлари хўжаликларида етиштирилган сабзавот маҳсулотлари қайта ишланиши назарда тутилганди. Бироқ яхши ният билан катта маблағ сарфланиб, ишга туширилган қайта ишлаш корхонаси бирон йил тўла қувват билан ишлай олмади. Оқибатда кўпгина хўжаликлар далаларда етиштирилган помидор ва бодрингни саратоннинг иссиғида Денов шаҳридаги консерва заводига ташишга мажбур бўлишди.

1988 йилнинг охирида ана шу корхонани тиклаш, уни тўла қувват билан ишлатишни «Кооператив» ишбилармонлари ўз зиммаларига олишди. «Намуна» жамоа хўжалиги билан беш йил муддатга шартнома тузилди. Унга кўра корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотдан тушадиган даромаднинг ўн фоизи хўжаликка ўтказилади. Фақат «Намуна» жамоа хўжалигинга эмас, Ангор районидаги «Таллимарон», Қизириқ районидаги Охунбобоев номли, Термиз районидаги «Дўстлик» давлат ва жамоа хўжаликлари, Термиз ўрмон хўжалиги корхонани хом ашё билан таъминлашни зиммага олдилар. «Кооператор»чилар ўз навбатида технологик йўллардан унумли фойдаланиш ва янгиларини ишга тушириш чораларини кўришди. Илгари тўртта технологик йўлдан помидор ва бодринг маринадлари ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир 8 та технологик йўл ишлатилаяпти. Булардан ташқари ўрик, шафтоли, олча, олхўри қайнатилган ширинликлар, чанқовбосди шарбатлар тайёрланаяпти. 1989 йилда 1 миллион 59 минг шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бурноғи йилда бу кўрсаткични 1 миллион 671 минг шартли банкани, бултур эса 1 миллион 851 минг шартли банкани ташкил этди. Жорий йилда баҳорнинг ноқулай келиши сабзавотчиликка ҳам бироз ҳалал берди. Айниқса помидор, бодринг ҳосили ҳар йилдагидан хийла кам бўлди. Шунга қарамасдан, маҳсулотни қайта ишловчилар 1,5 миллион шартли банка хилма-хил ширинлик ва шарбат тайёрлашга муваффақ бўлдилар.

Ёзги мавсумда 120—130 киши меҳнат қилган цехлар ҳозир хом ашё йўқлигидан тўхтатилибди. Ишчиларнинг бир қисми омборда тайёр маҳсулотларни саралаш, тахлаш, савдога чиқаришга тайёрлаш билан машғул.

Омборда тўрт миллион сўмлик тайёр маҳсулот сақланмоқда. Унинг бир қисми савдо тармоқларига чиқарилаяпти. Бир қисми эса хом ашё етказиб берган «Намуна» жамоа хўжалиги ихтиёрида. Уни, харидор топиб келишилган баҳода ёки айрибошлаш йўли билан сотиш мумкин.

— Бу йил 5,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик, — дейди «Кооператор» бошлиғи Саидмурод Абраҳматов. — Цех бошлиғи Носир Бўриев, электропайвандчи Ғузор Алимов, Жалил Умаров, таъмирловчи Ваҳобжон Маматкаримовларнинг тадбиркорлиги ва ишчанлиги туфайли корхонамизда қўшимча технологик йўллар қурилиб, ўзлаштиридди. Ишчиларимизнинг моддий манфаатдорлигини оширишни биринчи даражали вазифа деб биласиз. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимиз сифатидан харидорлар, истеъмолчилар нолиётгани йўқ. Лекин бу бизни қаноатлантирмайди. Бозор шароитида маҳсулотларимиз жаҳон бозорида бемалол беллаша оладиган даражада сифатли бўлиши керак. Яширишнинг ҳожати йўқ, корхонада ҳозир ишлатилаётган технологик йўллар билан бундай даражага эришиб бўлмайди. Бунинг учун, албатта, лоақал ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган хорижий дастгоҳлар сотиб олишимиз лозим. Бундай ёрдамни кўрсатишга шай бўлиб турган ҳамкорлар бор. Қўшни афғонистонлик ишбилармонлар корхонамизда бўлиб ишлаб чиқариш қувватини икки баробар ошириш имконияти борлигини эътироф этдилар. Хорижларга ойлик маош учун баҳзўр етади. Хўш, шундай пайтда банк бизнинг режаларимизни ўрганган ҳолда моддий ёрдам кўрсатса, ҳозирги тақчиллик шароитида халқимизга кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берардик.

«Кооператор» жамоаси уч йилдан буён амалга ошираётган ишлар чакки эмас. Корхонада ишлаб чиқариш қувватларини ошириш юзасидан бир талай ибратли ишлар қилинаяпти. Янгидан тўртта дошқозон ўрнатилиб, ишга туширилди. Энди уларни табиий газ билан ишлатишга тайёргарлик кўрилаяпти. Тўғри, кооператорларнинг барча белгиланган режалари силлиқ амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам ўзига яраша қийинчилик ва муаммолар кўп. Аввало, корхона етарли миқдорда сабзавот ва мева билан таъминланмаганлиги сабабли ишда узилиш бўляпти. Шиша банкаларни топиш ҳам енгил кўчаётгани йўқ. Бироқ, «Кооператор» кўпчиликнинг назарига тушиб улгурди. Шу сабабли қийинчиликлар ҳал бўлиб, корхона иши ривож топиб кетишига ишончимиз комил. Аммо кўпчилик «Кооператор»га умид билан қарамоқда, ана шу умидлар пуч бўлмасин, корхона маҳсулотлари катта бозорда кўпнинг назарига тушса, бу катта ютуғ бўлади.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

Уйчи районидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида икки йилдан буён чорвачилик оқсаяпти. Белгиланган режалар бажарилмай тармоқдан зарар кўрилмоқда. Чунончи, 1991 йил сут етиштириш режаси 95 фоизда, 1992 йилнинг ўн бир ойлиги эса 89 фоизда қолиб кетди. Кўпчилик ходимларда иштиёқ йўқолди. Хўш, иш ярқага кетишининг сабаби нимада?

Мирзаолим Холбоев 33 ёшда. У олийгоҳни тамомлаб, тўғри фермага ишга келди. Яхши ният билан зоотехник-селекционер вазифасида ишлай бошлади. Икки йил сидқидил тер тўкди. Ҳал қилувчи дамларда омилкорлик, қатъиятлик кўрсатди, камчиликларга қарши муросасиз курашди. Айниқса, моллар зотини яхшилаш борасида ибратли тадбирларни амалга оширди. Ундаги меҳнатсеварлик ва иқтидорни кўрган хўжалик раҳбарлари бош зоотехник этиб тайинладилар. М. Холбоев бошлаган ишлари изчил давом эттирди. Вилоят наслчилик бирлашмаси билан ҳамкорликда подадаги сигирларни зотдорлари ҳисобига янгилаб борди. Тез ўрада моллар туёқ сони кўпайди. Асосан қора-ола зотли сигирларни жамлашга эришилди. Озуқа базасини мустаҳкамлаш, ҳалол ишлаётганларни рағбатлантириш диққат марказида бўлди. Натижа ҳам шунга яраша. Маҳсулдорлик ой сайин ортиб борди.

Соҳа жонкуяри М. Холбоев кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозонди. У хўжалик бошқаруви раиси ўринбосари этиб тайинланди. Шундан сўнг табиийки М. Холбоев кўпда вақт топиб фермага бора олмади. Унинг ўрнига келган зоотехник Д. Худойберганов, бошқа мутахассислар ютуқларни мустаҳкамлай олмадилар. Вақт ўтиши билан интизом бўшашди. Пировард натижа учун барча бирдай жон қойитмади. Меҳнатни рағбатлантириш, илғорлар тажрибасини жорий этиш юзасидан белгиланган тадбирлар бажарилмади. Наслчилик ишлари издан чиқа бошлади. Бошқарув аъзолари аҳволни кўра-била туриб вақтида тегишли чора-тадбирларни кўрмадилар. Моллар зотини яхшилаш, уларни зооветеринария қоидалари асосида парваришлаш, озуқа цехини тўла унум билан ишлатиш кўнгилдагидек бўлмади. Каммаҳсул сигирлар фермада сақлаб турулаверди. Энг ташвишлиси, чорвадорлар ўртасида интилиш, ўзаро талабчанлик сусайди. Оқибатда йиллик режалар сурункасига бажарилмади.

Чорвачиликдаги аҳвол чорвадорлар, мутахассислар ўртасида танқид, ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил этилди. Лоқайдликка, бўшашувчанликка йўл қўяётганлар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Шунда соҳа жонкуяри Мирзаолим Холбоев ўз ихтиёри билан яна бош зоотехник бўлиб ишлашга аҳд қилганлигини маълум қилди. У бу гал ҳам ишни сигир соғувчиларга яратилган шароитни яхшилашдан бошлади. Озуқа ўрадиган, майдалайдиган техника қайта таъмирланди. Маҳсулдорлиги озайган сигирлар босқичма-босқич зотлилари ҳисобига алмаштирилди. Қисқа вақт ичида 80 таси алмашди. Одамлар ўз кучларига ишона бошладилар. Аммо чорвачиликни қисқа вақт ичида ривожлантиришнинг ўзи бўлмайди. 1992 йилнинг ўн бир ойи ичида ҳар сигирдан 2.540 килограммдан сут соғиб олинди. Ўнгланиш сари қадам ташланди. Аммо ўтган ойлар ичидаги камчиликлар, айрим мутахассисларнинг лоқайдлиги ҳамон ўз таъсирини ўтказмоқда. Колхоз давлатга сут топшириш йиллик режасини барибир бажара олмади. Бош зоотехник М. Холбоев фикрини шундай ифодалайди:

— Чорвачиликда соҳага меҳр қўйган, фидокор кишилар ишлаши керак. Кимдир ишончни оқлаш учун йиллар мобайнида ўзини аямай ишлайди. Ойма ой иш натижаларини юксалтириб боради.

Чорва қишловининг боришини текширамиз

Бироқ кимнингдир масъулиятсизлиги туфайли саъй-ҳаракат зое кетиши мумкин. Буни фермамиз мисолида яққол кўриш мумкин. Ўзибўларчилик ёмон касал. Унга тамоман барҳам бериш учун ойлар мобайнида қаттиқ ишлаш керак. Масалан, Ўғилхон Отарахимова, Латофатхон Ҳамидова, Мовлудахон Бекмирзаева ҳар сигирдан йилига ўрта ҳисобда 2.700—2.800 килограммдан маҳсулот олишга эришишяпти. Аммо юқоридаги камчиликлар туфайли айрим соҳибаларнинг кўрсаткичи 2.400—2.500 килограммдан ошмаяпти. Текшириш натижасида бузоқларни алоҳида-алоҳида боқишга эътибор берилмаётганлиги, тежамкорликнинг йўқлиги юксалишга тўғаноқ бўлаётганлиги маълум бўлди. Райондаги «Агрокоммунстройремонт» хўжаликлараро корхонаси бундан уч йил аввал бошлаган бузоқхона ҳамон чала ҳолда ётибди. Бу қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда.

Қиш бошланганига бир ой бўлди. Мавсумга тайёргарликни кўздан кечирайлик. 669 тонна беда, 50 тонна табиий пичан, 288 тонна somon, 90 тонна похол, 1.825 тонна сенаж, 2.754 тонна силос, 1.194 тонна қизилча жамғарилди. Ҳар қорамол ҳисобига 18,5 центнер озуқа тўпланган. Афсуски, емишдан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Қизилчанинг бир қисми очиқ ҳавода сақланаяпти. Рационга кўпда эътибор берилмайди. Шу боис маҳсулдорлик кутилган даражада ошмаётир.

Чорвачиликда наслчилик ишлари муҳим ўрин тутади. Бу вазифа Абдураҳим Боймирзаев, Абдуғаффор Тўраев зиммасига юклатилган. Шароит етарли бўлса-да, улар ишончни тўла оқлашмаяпти. Қисир сигирлар бор. Ўтган йили нима сабабдан 17 бош сигир урчитилмагани ҳақида сўрасангиз аниқ жавоб ололмайсиз. Ҳозир фермада 1.130 қорамол бўлиб, шундан 400 таси соғин сигирдир. Юқоридаги камчиликлар оқибатида ҳар сигирдан 71 тадан бузоқ олинди, холос. Бу район кўрсаткичидан 8 бош камдир. Бундан ташқари 1.391 бош қўй парвариш қилиняпти. 403 таси ижарачилар ихтиёрида. Чўпонлар ҳаёти билан таниш-дик. Ийлов дарғаси Ислом Турғунов қарамоғида 280 совлиқ бўлиб, ҳар юзидан 102 тадан кўзи олишга аҳд қилган. Ийловдан тушганларига икки ой бўлибди. Лекин совлиқлар учун алоҳида хоналар ҳозирланмаган. Кўпчилик бинокорлик бригадаси бошлиғи Ю. Убайдуллаев фаолиятидан қаноат ҳосил қилмаяпти.

Чорва қишловининг бориши ҳақида Уйчи район деҳқончилик-саноат уюшмаси бош зоотехниги Олимжон Усмоновнинг фикрлари билан қизиқдик. Таъкидлашича, 1992 йилнинг ўн бир ойи ичида районда ҳар сигирдан 2.396 килограммдан сут соғиб олинди. Бироқ Абдували Мўминов номли, Беруний номли, «Соҳибкор» жамоа хўжаликлари ва Шароф Рашидов номли давлат хўжалигида бу кўрсаткич 1.997—2.194 килограммдан ошмади. Сигирлардан бузоқ олиш ўн бир ойлик режаси 97 фоизда қолиб кетди. «Гулистон», «Бирлашган» каби давлат ва жамоа хўжаликларидаги аҳвол, айниқса ташвишли.

Навоий номли колхозда зарбдор тармоқнинг орқага кетганлигига яна бир сабаб, озуқа етиштиришга ихтисослашган бригадалар пахтачилик жамоаларига қўшиб юборилганидир. Бу тажриба ўзини оқламади. Эътибор қилинг, энг тўйимли, оқсилга бой бўлган беда пичани режадаги 1.320 тонна ўрнига бор-йўғи 669 тонна жамғарилди. Маккажўхорига муносабат яхши бўлмади. Буларнинг ҳаммаси хўжаликка қимматга тушди. Колхоз раҳбарлари, мутахассислари сабоқлардан тўғри хулоса чиқаришлари керак. Зарбдор тармоққа ғамхўрлик қоғозда эмас, амалда бўлиши даркор. Шундагина аҳволни ўнглаш, муаммоларни ҳал этиш, тармоқни изчил ривожлантиришга эришиш мумкин.

Абдунаби ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Режани ортиғи билан бажариб, элюртга азиз бўлиб яшаганга нима етсин. Мана бу суратларга бир разм солинг: меҳнат зарбдорларининг ўз ишидан, ҳаётидан мамнун эканликлари ёрқин акс этиб турибди. Улар жамоат чорвачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган чинакам фидойилардир.

1. Худойназар Жумаев Касби районидаги Мирзо Улуғбек номли давлат хўжалигининг тажрибали молбоқарларидан бири. У қарамоғидаги молларни зооветеринария қоидалари асосида парваришлаб, этига эт қўшмоқда. Соҳа жонкуярининг омилкорлиги қишловни беталафот ўтказишда муҳим омил бўлмоқда.

2. Пешқадам сигир соғувчи Орзигул Дўстқобилова. Ўз касбининг устаси, ташаббускор чорвадор. 1992 йилни қувончли меҳнат ютуқлари билан якунлади. Айни кунларда қарамоғидаги ҳар говмишдан ўн килограммдан ошириб серқаймоқ сут соғиб олаяпти.

Б. ИСМОИЛОВ олган суратлар.

Нефть маҳсулотлари тақсимотидаги янгилик

Жумҳуриятимиз истиқлолга эришгач ўз кучимизга, эртанги кунимизга бўлган ишонч ярада ортди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат — Ўзбекистонни тез ривожлантиришнинг ажралмас шартидир.

Республикамизда бозор муносабатларини қарор топтириш ана шу мустақил иқтисодий сиёсатнинг асосини ташкил этади. Бу йўлда катта ишлар бошлаб юборилди. Қатор корхоналар, ташкилотлар хорижлик ҳамкасбларининг тажрибаларини чуқур ўрганиб, уни Ўзбекистоннинг ўзига хос шарт-шароити билан уйғунлашган ҳолда тадбиқ этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Интилганга толе ёр, деганларидек, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ибрат олса бўладиган ишлар, ютуқлар юзага келяпти. Бунга Ўзбекистон нефть маҳсулотлари давлат акционерлик бирлашмаси фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бирлашма тузилганига унча кўп бўлгани йўқ. Бу ерда иш янгича ташкил этилгани, фаолият бозор муносабатлари асосига қурилганлиги туфайли қисқа вақтда ибрат олса бўладиган жиҳатлар юзага келди. Мухбиримиз К. РИХСИЕВ «Ўздавнефтьмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси Бош директори Анвар ҲУСАИНОВ билан учрашиб, янгича ишлашнинг афзалликлари ҳақида сўзлаб беришни сўради.

ШАРТНОМА ТУЗИНГ, ЯНГЛИШМАЙСИЗ

— Маълумки, илгарилари нефть маҳсулотлари хўжалик, корхона ва ташкилотларга фақат лимит асосида тақсимланарди. Уларнинг эҳтиёжлари, олинаётган ёқилғи миқдорлари, ундан тежаб-тергаб фойдаланишга мутлақо эътибор берилмаган. Шунинг учун ҳам корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ниҳоятда борича кўпроқ ундиришга ҳаракат қилишарди-ю қанчадан-қанча бойлик исроф бўлаверарди.

Биз ишимизни янгича ташкил этишдан кўзда тутган мақсадларимиздан бири ҳозир қатраси олтинга тенг бўлиб қолган ёқилғидан иложи борича самарали, тежаб-тергаб фойдаланиш орқали халқ хўжалигининг барча тармоқларини жадал ривожланишини таъминлашдан иборатдир. Биз яқин пайтгача нефть маҳсулотларини тарқатувчилар эдик, холос.

Қаерга, кимга қанча ёқилғи беришни бизга белгилаб беришарди. Энди бундан буён эскича ишлаб бўлмайди. Агар шу йўлдан борсак, ишимизда унум, ҳаракатимизда барака бўлмайди. **Бирлашмамиз энди нефть маҳсулотларини тақсимлаш билан эмас, сотиш билан шуғулланади.**

Бунинг учун барча тизимларда ўзгаришлар қилдик. Бирлашмамизга қарашли бўлинмалар бундан буён мустақил иш тутади. У ерларда ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги одамларнинг ўзларига боғлиқ бўлади. Истеъмолчиларга ҳар томонлама яхши хизмат кўрсатганлар ўшанга яраша даромад тopадилар. Аксинча ишни тўғри йўлга қўёлмаганлар бор харидордан ҳам айрилиб, моддий зарар кўришлари табиий.

Бундан буён ҳам жойларда нефть базалари, ёнилғи қуйиш шахобчалари фаолият кўрсатади. Улар энди хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар билан шартнома асосида иш олиб борадилар. Яъни демоқчиманки, кимга ёнилғи керак бўлса, нефть базалари билан шартнома тузади. Истеъмолчи ўзига керакли миқдорда ва келишилган сифатда ёнилғини оларади.

— Демак, энди кимда пул бўлса истаганча ёнилғи олиш мумкин экан-да?

— Йўқ. Бундай ўйласак хато қилган бўламиз. Чунки ҳозир харидоргир маҳсулот чиқараётган, элга манзур хизмат кўрсатаётган, қўйингки ишнинг кўзини билиб, катта пул топаётган хўжалик, корхона ва ташкилотлар кўп. Агар биз пули бўлса бас, деб улар истаганча ёнилғи бераверсак, асосий иш қолиб чайқовчиликка ўтиб кетиб қолишлари мумкин.

Бунга йўл қўймаслик учун биз аввало жамоаларнинг ёқилғига бўлган эҳтиёжларини ўрганамиз. Ана шулар асосида керагини берамиз. Акс ҳолда айримлар олибсотарлик билан шуғулланиб, пул орттирса, айримлар нефть маҳсулотлари қатрасига зор бўлади.

— Маълумки, пахта, мева, сабзавот ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштирадиган жамоа ва давлат хўжаликларида кўпинча нақд пул бўлмайди. Лекин улар ёқилғи учун ҳақни етиштирган маҳсулотлари билан тўлашлари ҳам мумкин. Шундай вазиятда бу жамоалар керакли ёқилғини вақтида олишлари мумкинми?

— Биз бу масалани кўзда тутганмиз. Маълумки, Ўзбекистон рубли ҳозир Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларидаги «рубль» билан муомала қилувчи мамлакатлар ичида бирмунча қадрли ҳисобланади. Чунки биз бошқа давлатлар билан бўладиган олди-берди жараёнида тўловларнинг бир қисмини маҳсулот билан алмаштириш имкониятига эгамиз. Шунинг учун ҳам кўпчилик Ўзбекистон билан олди-соттини, кенг маънодаги, узоқ муддатли ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга ҳаракат қиляпти.

Энди юқоридаги масалага қайтадиган бўлсак, нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан машғул бўлган жамоалар, балки саноат корхоналари ҳам биз билан ёқилғи учун моллар билан ҳақ тўлашлари мумкин. Бирлашмамизнинг тегишли бўлинмалари уларни бошқа давлатлардаги шериклларимизга етказиб бериб, у ердан нефть маҳсулотлари оладилар.

— Ҳозир кўплаб корхона ва ташкилотлар ўз маҳсулотларини ўзлари бошқа давлатларга юбориб, ўрнига у ердан ёқилғи ҳам олишмоқда. Бунга нима дейсиз?

— Афсуски, шундай бўляпти. Аммо бунинг хавфли томони бор. Айтайлик, нефть ёки нефть маҳсулотлари бўлган ташкилотга жуда кўп одам мурожаат қилди. Харидор кўплигини кўрган мол эгаси унинг нархини ошириши турган гап. Харидор битта, яъни биз бўлсак, унда нефть ва нефть маҳсулотларини анча арзон олишимиз мумкин. Шунинг учун ҳамма хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар ёнилғини бирлашмамиз орқали олишса, арзон тушади. Бунинг устига қанчадан-қанча оворагарчиликларга барҳам берилади.

Масаланинг яна бир томони шундаки, зарур тайёргарчиликсиз, кўп йиллик ишончли алоқаларсиз ташқи савдога чиқиш — бу онгли равишда мағлубиятни бўйинга олиш, Ўзбекистон манфаатларига жиддий зарар етказишдир, демакдир. Бекорга доно халқимиз, «чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин», демаган.

— Демак, энди истеъмолчилар ёқилғини фақат пул ёки маҳсулот тўлаб оладилар.

— Бу ўз-ўзини маблағ билан таъминлайдиган, хўжалик ҳисобидаги жамоаларга таллуқли. Маълумки, маблағ сарфлаб олинган нарса ҳамиша азиз бўлади. Шунинг учун ҳам уни ҳеч ким исроф бўлишига йўл қўймасдан, фақат самарали фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Ҳисоб-китобларга қараганда ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланмаслик оқибатида республикамизда йилига минглаб тонна нефть маҳсулотлари исроф бўларкан. Биз қўллаётган иш усули, мамлакатимиз олий манфаатларини кўзлаб амалга оширишга киришган йўлимиз бунга барҳам бериши шубҳасиз. Бу йўл ҳаммага ҳам ёқмаслигини англаб турибмиз. Минг афсуски, юртимизда сўзида ватанпарвар, мамлакат истиқболи ва иқтисодий мустақиллиги тўғрисида жуда кўп чиройли сўзлар айтиб, ўз корхонасида, иш ўрнига мана шу олий мақсадлар учун бирорта ҳам амалий иш қилмаётганлар бор.

Жумҳуриятимизда ёқилғи жуда зарур бўлган, бироқ бюджет ҳисобига кун кўрадиган ташкилот ва муассасалар ҳам талайгина. Улар ўзлари учун зарур бўлган ёнилғини давлат ҳисобидан оладилар. Бу юз фоиз давлат буюртмаси асосида ишлайдиган корхоналарга ҳам тегишли.

— Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар янги йилда ёқилғидан қийналиб қолмасликлари учун албатта шартнома тузишга шошилишлари керак экан-да?

— Худди шундай. Биз бозор муносабатлари асосида иш юритишни танлаган эканмиз, ҳамма муносабатлар қатъий ҳисоб-китоб асосига қурилмоғи лозим. Бирлашмамиз ва унинг жойлардаги вилоят корхоналари, нефтебазалар билан шартнома тузганлар янглишмайди. Ўзига зарур бўлган нефть маҳсулотларини вақтида албатта оладилар.

Вазирликлар, концернлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон мустақиллигини кўзлаган ҳолда 1993 йилда ҳукуматга камроқ мурожаат қилсинлар. Ҳар бир ташкилот бозорга ўз йўли, ўз мақсади билан кириб бориши лозим. Хулласкалом, бозор шароитида ҳамма ўз аравасини ўзи тортиши керак.

Истеъмолчиларнинг талабларини тўла қондириш учун биз аввало ўз ишимизда ўзгариш ясадик. Мижозларимизга кенг имконият, қулайликлар яратдик ва яратаяпмиз. Илгари ҳар бир ташкилот бирорта нефть базасига бириктириб қўйиларди. Ўртада бевосита тўғлов бўлмаганлиги учун колхоз, совхоз, завод ёки фабрика жамоаси база нимани, қанча берса рози бўлаверарди. Акс ҳолда қуруқ қолиб, зарур паллада иши юришмай, зарар кўрарди.

Энди ундай бўлмайди. Истеъмолчиларга тўла эркинлик берилган. Бу истеъмолчиларга ҳам, мамлакатимизга ҳам катта иқтисодий фойда бериши мумкин. Чунки яқин вақтларгача хўжалик, корхона ва ташкилотлар ёнилғини фақат ўз туманларида жойлашган нефть базаларидан олардилар. Бунда кўпинча ёнилғи юзлаб километрдан ташиб келтирилади. Натижада қанчадан-қанча қимматбаҳо ёнилғи исроф бўларди. Биз бунга барҳам бериш учун истеъмолчиларга қулайлик яратдик. Энди улар нефть маҳсулотларини, у қайси туман ёки қайси вилоятда жойлашганидан қатъий назар, истаган ерларидан шартнома асосида олишлари мумкин.

Нефть базаси эса бундан буён ўз маҳсулотини тезроқ ва кўпроқ сотишдан манфаатдор бўлади. Мижозни ранжитмай унга кўнгилдагидек хизмат кўрсатса, шунга яраша моддий манфаатдорлиги ҳам ортади. Ишни тўғри ташкил қилолмай харидорни ранжитса, у ёқилғини бошқа ердан олади. Мижозларнинг ажратилган савдогарнинг ҳоли не кечиши ҳаммамизга яхши аён.

Бундан буён жойлардаги ёнилғи қуйиш шахобчалари ҳам ижара асосида ишлайди ва тўла мустақил ҳисобланади. Агар ёқилғи бўлмаса, тўрт-беш киши бекор ўтириши ўзларига зиёнлигини билишади. Энди улар пул топишнинг бошқа манбаларини излашади. Ёқилғи қуйиш шахобчалари олдида машиналарга техник хизмат кўрсатиш устаханолари очилади, ошхона, ҳордиқ хоналари ва бошқа қулайликлар яратилади. Атроф ободонлаштирилади.

Ёқилғи қуйишга келган мижоз ўзига зарур нарсаларни шу ердан топади. Бу таъминотчиларга ҳам, истеъмолчиларга ҳам бирдек фойдалидир. Бозор муносабатларини бошқача ташкил этиш мумкинмас.

Ниятимиз яхши. Лекин мақсадга эришиш учун ниятнинг ўзи камлик қилади. Буни яхши тушунган бирлашмамизнинг кўпмингсонли жамоаси танлаган йўллари иқтисодиётимизни ҳам, аҳолини ҳам нефть маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондиришга хизмат қилишига аминдирлар. Шунинг учун ҳам улар тармоқни юксалтириш учун ҳамжиҳатлик билан олға интилмоқдалар. Ҳамжиҳатлик ва интилиш бор жойда албатта муваффақият бўлади.

АРЗОН ЛИМОН

● Бухоро темир йўл бўлими станцияларининг ходимлари, шунингдек Ўрта Осиё темир йўли бошқа бўлимларининг ходимлари янги йил арафасида бозор баҳосидан анча арзонга лимон сотиб олдилар. Бу мева ёрдамчи хўжаликда етиштирилган.

Темир йўл раҳбарияти ва касаба уюшмаси ташкилоти ташаббуси билан барпо этилган ёрдамчи хўжаликлар ҳозирги қийин даврда катта аҳамият касб этди. Улар темирйўлчиларни хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқда. Масалан, Бухоро темир йўл бўлимида ижарага олинган ерларда сабзавот, мева, қовун-тарвуз, цитрус мевалар ва ҳатто гул етиштирилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари темир йўл ходимларига анча арзон нархда сотиляпти.

АТЛАС ЖИЛОСИ

Намангандаги ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари хотин-қизлар дидига мос турли хил атлас тайёрлашни тобора кўпайтирмоқдалар. Корхона йилни яхши якунлади. Режадаги 335,2 миллион ўрнига 345 миллион 70 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, савдога жўнатдилар. Жамоа бирлашмаси шунингдек, халқ истеъмоли ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида аҳамият бераяпти. Йил мобайнида 68,1 миллион сўмлик турли хил моллар истеъмолчиларга етказиб берилди.

Корхонанинг бу ютуғида Шаробиддин Мамажонов, Обидхон Бобомирзаев етакчилик қилаётган 2-тўқув ва пардозлаш цехлари ишчиларининг ҳиссаси айниқса, катта бўлди.

М. ҚОДИРОВ.

ТОЛАСИ ТИЛЛОДАН АЪЛО

Толанинг қолган қисми четга сотилди. Яна районнинг даромадига даромад қўшилди. Фойда ҳисобидан 27 миллион 750 минг сўм пул колхозчиларга мукофот тариқасида берилди. Э, тағин қанча-қанча хайрли ишларга маблағ ажратилмади, дейсиз?! Директор юқоридаги фикрини ана шуларни кўзда тутиб айтгани сир эмас. Ҳа, меҳнат меваси — пахтанинг шарофати бу!

Район пахтакорлари деҳқончиликнинг бу йилги оғир шароитида ҳам жами 30,5 минг тонналик хирмон тикладилар. Ҳар гектар ҳисобига 24,5 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Етиштирилган барча ҳосилнинг 2033 тоннаси йиллик режани бажарган хўжаликлар ихтиёрида қолдирилди. Агар бу пахта ҳам пулга чақиладиган бўлса, районда шу соҳадан келадиган даромаднинг ўзи, насиб этса, 841 миллион сўмдан ошади. Ана барака, мана барака!

Митан пахта тозалаш заводи тасарруфида 6 та пахта қабул қилиш шахобчаси мавжуд. Бу йил район пахтасининг 62 фоизи биринчи, 20 фоизи иккинчи навларга қабул қилинди. Айниқса «Муродобод», «Правда», Митан ва Иштихон пахта қабул қилиш шахобчаларида (мудирлари Низом Абдуолимов, Зиёдулла Оқбоев, Жўрақул Маманов, Омон Аҳмедов) мавсум давомида ишлар яхши ташкил этилди. Шунингдек, Рустам Қодиров мудирлик қилаётган Шейхлар пахта қабул қилиш шахобчасида айни терим чоғида бўлганимизда бу ерда ишчи-хизматчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилганлигини кўргандик. Мудир бизни қизғин иш жараёни билан таништирди. 14 та ПЭЛ, 14 та транспортёр ва бошқа техника воситалари маромида ишлаб турибди. Тунги соат 12 дан ошган бўлса-да, шахобчада иш қизғин. Пахта ортган тележкалар оқими турна қатор. Сараловчи қизлар — Шарват Абдунабиева, Зулайҳо Абдурайимова, лобарант Ибодулла Асадов, 1-ҳудуд товаршуноси Носир Қаршиев ва ишчилардан Собир Аҳмедов, Қаюм Бердиевлар ўз ишларини пухта ва аъло даражада адо этиш билан банд. Маошлари ҳам шунга яраша — уларга ҳар ойига 3 минг сўмдан то 8 минг сўмгача иш ҳақи тўланаяпти.

Митан пахта тозалаш заводи замонавий корхона ҳисобланади. Завод тола ишлаб чиқариш режаси бўйича йиллик топшириқни ошириб адо этишни таъминлади. Биргина октябрь ойи режаси 105 фоизга бажарилди. Яъни 942 тонна тола ишлаб чиқарилди. 1400 тонна чигитнинг 1300 тоннаси ёғмой комбинатларига жўнатилди. 450 тонна тола чет давлатларга сотилди. Момиқ ишлаб чиқаришда ҳам режалар кўрсаткичи салмоқли. Иш самарадорлиги билан бирга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати талаб даражасида бўлмоқда.

Бунда завод мутахассислари ва ишчиларнинг аҳиллиги, меҳнатсеверлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхонанинг ўз пешқадамлари, ташаббускорлари бор. Биз тадбиркор директор Толлибой Санаев билан завод ҳудудини, иш жойларини айланиб, уларнинг ҳалол меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Чунончи, илғор ишчи Сидиқ Ўрозалиев, смена мастери Шокир Ғойибназаров, бош механик Норбобо Жаниев, техника назорати бўлими бошлиғи Фахриддин Ҳусанов, бош муҳандис Қодир Қорақуловлар билан юзма-юз мулоқотга киришиб, уларнинг бундан кейинги ишларига ҳам омадлар тиладик.

Сафаримиз сўнггида корхона директори Т. Санаевни суҳбатга чорладик. У ўзи ҳақида эмас, заводнинг истиқболи хусусида мухтасаргина сўз айтди:

— Президентимизнинг пахта харид нархини ошириш ҳақидаги Фармони айни муддао бўлди. Бу — заҳматкаш деҳқонларимизнинг рўзғорини тағин ҳам бут, дастурхонини обод қилади. Бундан корхонамиз ишчи-мутахассислари ҳам тўла манфаатдор. Биз ўз маблағимиз ҳисобидан дастлабки хайрли ишларни амалга ошира бошладик. 180 ўринли кўп тармоқли болалар шифохонаси қурилишига маблағ ажратдик. Саломатлик — туман бойлик. Район марказий шифохонаси билан ҳамкорликда «Митан тиббиёти» кичик корхонасини очганмиз. У кундалик тиббиётга энг зарур момиқ пахта, бинт ва дока ишлаб чиқармоқда. Истиқболнинг эшиклари эндигина ланг очилди. Унинг қутлуғ остонасини хайрли қадамлар тарк этмасин деб ният билдирамиз.

Абдулла ТУРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЕР ДАРДИГА ДАРМОН

● ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академиясига қарашли ўғитлар институти Самарқанд кимё заводи билан ҳамкорликда янги хил бойитилган суперфосфат ишлаб чиқариш технологиясини яратди.

— Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишда фосфорли ўғитларнинг аҳамияти катта. Шунинг учун уларни ишлаб чиқариш ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётир, — дейди кимё фанлари номзоди, институт катта илмий ходими С. Тожиев. — Гап шундаки, республикамиз қишлоқ хўжалигида аммофос ўғитидан сурункали фойдаланиб келингани тупроққа салбий таъсир кўрсатди, ҳосилдорлик камайиб, ўсимликларнинг турли касалликка чалиниши сабаб бўлди. Институтимиз агрохимия лабораторияси ишлаб чиққан бойитилган суперфосфат Ўзбекистон илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси далаларида синовдан яхши ўтди. Уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тавсия этилди. Фосфор, азот, олтингугурт ва бошқа микроозуқаларга бой бўлган бу ўғитдан фойдаланиш ўсимлик ривожини тезлаштиради, ҳосилдорликни 3—4 фоиз оширади. Яна бир афзаллиги шундаки, уни бошқа экинларни етиштиришда ҳам қўллаш мумкин.

Узоқ умр сирлари

Поль БРЕГГ

ИНСОН ҚУДРАТИ

Инсон мўъжизага ишониб яшайди! Табиий овқатланиш, жисмоний машқлар ва оч юришнинг яққол самараларини ҳис этмасдан туриб, кишилар ўзлари тушунмайдиган соҳадан мўъжиза излашади.

Табиатнинг буюк қонун-қоидаларига риоя қилиш унчалик қийин эмас. Ҳар хил хасталиклардан азият чекаётган, эрта қариб қолаётган, тез ва осонлик билан саломатлик, навқиронликка эришмоқчи бўлаётган одамлар, эсда тутинг: саломатликка етишиш учун тер тўкиш керак! Уни сотиб олиб бўлмайди. Ҳеч ким сотмайди ҳам. Мен шунинг учун ҳам бардам ва куч-қувватга тўламанки, доимо табиат қонун-қоидаларини ўрганиб бораман ва уларга риоя қиламан. Кексайишни олдини олишнинг бирдан-бир йўли — табиий овқатланиш, оч юриб танани тозалаш ва жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланишдан иборатдир.

Тузли овқатларни сиз кўп ейсизми? Қаҳва ичасизми? Чекасизми? Шаробли ичимликлардан тотиб турасизми? Тозаланган оқ қандни ёки бошқа қувват бермайдиган нарсаларни тамадди қиласизми? Дармондори витаминлардан ҳоли қандай овқатлар сизнинг танангизни заҳарламоқда? Етарли ирода кучига эгамисиз? Танангиз кимга бўйсунади? Зарарли одатларгами? Ёки ақл-заковатингиз истак-хоҳишларингизга раҳнамолик қиладими? Эсда тутинг: Тана сизга ҳамфикр эмас. Фақат ақл-заковат ёрдамидагина зарарли иллатлардан қутулиб олишингиз мумкин. Сиз чиндан ҳам беқиёс куч-қудратга, мустаҳкам соғликка, метиндек асаб тизимига эга бўлишни истасангиз бугунок табиатга ҳамоҳанг иш бошланг, унга тескари борманг!

Оч юриш — табиат ўз куч-қувватини пинҳон сақлайдиган омборхона калитидир. Оч юриш ҳар бир ҳужайра, ҳар бир аъзони тозалаб, куч-қувват бағишлайди. Буни сизга ҳеч ким қилиб бермайди. Ахир кимдир сиз учун овқатлана олмайди-ку?! Менинг шунга ишончим комилки, касалликларнинг аксарияти нотўғри ва нотабиий овқатланиш натижасидир.

Ҳар қандай қурилманинг иш самараси у истеъмол қиладиган энергия миқдори ва сифатига боғлиқдир. Бу инсонтанасига ҳам тааллуқли нарсадир. Одамлар ўзларининг хасталикларида ва эрта қариб қолишида овқатдан бошқа ҳамма нарсани айбдор санашади. Шу боис кўпгина касалликлар сабаби қоронғи бўлиб қолмоқда. Узоқ йиллар ортиқча овқат ейиш, оч юришга асосланган тозаланиш омилидан фойдаланмаслик, шунингдек фойдаси кам овқатларни тановул қилиш сабабли вужуди қанчалик зararланганини киши одатда сезмайди. Бу эса баданда заҳарли моддалар тўпланиб қолишига олиб келади.

Саломатлигидан асло шикоят қилмайдиган одамни ҳам тоза сувдан бошқа ҳеч нима бермасдан 5—6 кун оч қўйилса, унинг нафаси ва пешоби орқали заҳарли моддалар танадан чиқа бошлайди, пешоб қора тусга кириб, бадбўй ҳид касб этади. Бу тана сингишмай қолган моддалар билан булғанганидан далолат. Айни мана шу тўпланиб қолган заҳарли моддалар бўлғуси хасталиклар манбаидир. Тананинг бу заҳарлардан қутулишга интилиши касаллик кўринишида намоён бўлади. Хасталанган одам одатда тез ва осон соғайиш пайида бўлади лекин бирон марта ҳам оч юришни хаёлига келтирмайди.

Касаллик — сизнинг танангиз заҳарли моддалар билан тўлиб-тошганига табиатнинг ишоратидир. Оч юриб танангизда тўпланиб қолган чиқинди маҳсулотлар ва заҳарли моддалардан қутулишда табиатга ёрдам берган бўласиз. Бу ҳар қандай ёввойи ҳайвонга маълум. Оч юриш — жониворларга жисмоний хасталиклардан қутулишда ёрдам берувчи муҳим воситадир. Бу жониворларгагина хос бўлган туйғудир. Биз инсонлар узоқ муддат бошқача шароитда яшашга ўрганиб, хасталик пайти оч юриш туйғусини унутиб юборганмиз.

Пайқаганмисиз, бирор жиддий касалланиш пайти сизда одатда иштаҳа бўлмайди. Баъзан овқатланишга умуман тоқатингиз бўлмайди. Сизга: «Овқатланиб ол, куч-қувватингни тиклайсан» дейишади. Ҳолбуки бундай пайти сизда овқатланишга эҳтиёж бўлмайди, табиий туйғу сизга тамадди қилмасликни буюраётган бўлади. Табиат сиз оч юрган пайти бор куч-қувватни танани тозалашга қаратишни исатётган эди. Она табиатнинг бу оҳиста овозини кўпинча биз эшитишдан ва англашдан ожизмиз. Оч юрган пайти эса бизнинг туйғуларимиз ниҳоятда сергаклашади. Оч юриш ақлзаковатни тиниқлаштиради, табиатнинг нозик ишоратларини илғашга ўргатади. Ҳар бир оч юриш жараёнидан сўнг мия нақадар тиниқ ишлашини ўз тажрибаларимдан жуда яхши биламан.

Қадимги Мисрда ҳам устага шогирд тушишдан аввал талабгорлар 40 кун оч юриши лозим эди. Исо пайғамбар 40 кун оч юрган, Будда ҳам узоқ муддат овқат емаган, Ганди ҳам шундай қилган!

Тарихдан маълумки, инсониятнинг барча маънавий устодлари оч юриб, ўз қудратига қудрат қўшишган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оч юриш уларни жисмоний заифлаштирмаган, ақлзаковатига беқиёс куч қўшган!

Сиз ҳам синаб кўринг, оч юргандан сўнг ақл-заковатингиз қандай тиниқлашгани, қолатлар боиси биз одатларимиз қулига айланиб қолганлигимиз сабаблидир. Оч юришга уч кун чидаб берилса, кейинчалик у нуқул ҳузур келтиради.

Янқинда мен денгиз бўйлаб саёҳатда бўлдим. Йўловчиларни эрталаб ўз каюталарида овқатлантиришарди, бирор соат ўтгач уларга яна ҳар хил гўштли таомлар, тухум, иссиқ кулчалар, мураббо, қовурилган картошка ва кўп миқдорда қаҳва беришарди. Сўнгра соат ўн бирда кема саҳнида нонушта уюштириларди. Соат бирда тушки овқатлар тортиларди, соат тўртда печенье билан чой, кечқурун соат еттида тунги таомлар, соат ўн бирда эса буфетда яна зиёфат. Ишонасизми-йўқми, бир неча ҳафта ичида тўққиз кишини дафн қилдик. Уларнинг ҳаммаси овқат билан ўзини ўзи заҳарлаши оқибатида вафот этишди...

Дарвоқе, бешикдан бошлаб биз ўзимизни ўзимиз алдашни бошлаймиз, фаҳм-фаросат билан иш тутиш ўрнига одат ва кўникмалар қулига айланиб қоламиз. Саломатлик масалаларида аниқ тасаввурга эга бўлишни истасангиз, атрофга бир боқиб кўринг. 25 миллион америкалик Шарқий соҳилдан Ғарбий соҳилгача бўлган ҳудудда жойлашган минглаб касалхоналарда ётишибди. 300 мингдан кўпроқ шифокорлар уларни қутқариш билан овора...

Мен ҳам ёшликда бемаъни тарзда овқатланардим. Овқатнинг 90 фоизи қовурилган жўжалар, мол гўшти, картошка чўчқа гўшти ва ҳоказолардан иборат эди. Мен ёғли қаймоқлар, тухум ва шакардан қилинган ширинликлар, гummалар ва мураббони паққос еяверардим. Энди билсам, мен ўзимни узлуксиз заҳарлаган эканман. Натижада 8 ўрнига 10 соат ётиб ухлардим. Лекин барибир ланж бўлиб уйғонардим, кун бўйи уйқу босарди. Оғзимнинг таъми аччиқ эди.

Аксарият одамлар шу тарз умргузаронлик қилишади, уларнинг танаси заҳарлар билан тўлиб-тошганлиги учун ҳаёт бир азобга айланган. Тамаки, спиртли ичимликлар, қаҳва, чой, пепсикола ёрдамида улар ўзларини бардам қилишга бефойда уринишади. Кишиларнинг аксарияти ўз қорнининг қулига айланишган: улар эрталаб нонушта қилишни, тушда ва кечқурун тўйиб овқатланишни шарт ҳисоблашади. Кўпинча очми-тўқми қараб ўтиришмайди — еяверишади, тағин денг сифатсиз овқатларни паққос туширишади. Шунга кўра саломатликларининг мазаси йўқлигига ажабланмаса-да бўлади. Овқатланиш бўйича йирик мутахассислардан бири профессор Арнольд Эрет шундай деган эди: «Ҳаёт — овқатланишни яхши билмаслик фожиасидан иборатдир».

«Инсон овқатланиш жараёнида ўзига қабр қазийди» деган эски нақл ҳам айни ҳақиқатдир. Кўпчилик ошқозонга сира дам беришмайди. Улар ортиқча овқат билан доимо ҳазм қилиш аъзоларини зўриқтиришади. Оқибат бу аъзолар ишдан чиқади. Бутун танага ҳам шикаст етади.

Оч юриб кўргач, сиз ейишга одатланган миқдордаги овқат сизга зарур эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Оч юриш натижасида ошқозон ҳажми кичраяди ва сиз аввалгидан икки ҳисса кам овқат есангиз ҳам ўзингизни яхши ҳис эта бошлайсиз. Оч юришнинг ғайрилмий нарса эканлигини исботлашга уринадиган одамлар ҳам бор. Мен ҳар доим улардан ўзлари оч юрган-юрмаганлигини суриштираман ва доимо улар: «Йўқ!» деб жавоб беришади. Бу одамлар куч-қувватни сақлаш учун овқатланиш жоизлигини, акс ҳолда касалликлар бошланишини уқтиришади. Лекин бу хато! Бир неча кун оч юрганда юз бериши мумкин бўлган баъзи салбий ҳолатлар боиси биз одатларимиз қулига айланиб қолганлигимиз сабаблидир. Оч юришга уч кун чидаб берилса, кейинчалик у нуқул ҳузур келтиради.

Ўқинга бошлаганингизга ҳам эътибор беринг.

Янқинда мен денгиз бўйлаб саёҳатда бўлдим. Йўловчиларни эрталаб ўз каюталарида овқатлантиришарди, бирор соат ўтгач уларга яна ҳар хил гўштли таомлар, тухум, иссиқ кулчалар, мураббо, қовурилган картошка ва кўп миқдорда қаҳва беришарди. Сўнгра соат ўн бирда кема саҳнида нонушта уюштириларди. Соат бирда тушки овқатлар тортиларди, соат тўртда печенье билан чой, кечқурун соат еттида тунги таомлар, соат ўн бирда эса буфетда яна зиёфат. Ишонасизми-йўқми, бир неча ҳафта ичида тўққиз кишини дафн қилдик. Уларнинг ҳаммаси овқат билан ўзини ўзи заҳарлаши оқибатида вафот этишди...

Дарвоқе, бешикдан бошлаб биз ўзимизни ўзимиз алдашни бошлаймиз, фаҳм-фаросат билан иш тутиш ўрнига одат ва кўникмалар қулига айланиб қоламиз. Саломатлик масалаларида аниқ тасаввурга эга бўлишни истасангиз, атрофга бир боқиб кўринг. 25 миллион америкалик Шарқий соҳилдан Ғарбий соҳилгача бўлган ҳудудда жойлашган минглаб касалхоналарда ётишибди. 300 мингдан кўпроқ шифокорлар уларни қутқариш билан овора...

Мен ҳам ёшликда бемаъни тарзда овқатланардим. Овқатнинг 90 фоизи қовурилган жўжалар, мол гўшти, картошка чўчқа гўшти ва ҳоказолардан иборат эди. Мен ёғли қаймоқлар, тухум ва шакардан қилинган ширинликлар, гummалар ва мураббони паққос еяверардим. Энди билсам, мен ўзимни узлуксиз заҳарлаган эканман. Натижада 8 ўрнига 10 соат ётиб ухлардим. Лекин барибир ланж бўлиб уйғонардим, кун бўйи уйқу босарди. Оғзимнинг таъми аччиқ эди.

Аксарият одамлар шу тарз умргузаронлик қилишади, уларнинг танаси заҳарлар билан тўлиб-тошганлиги учун ҳаёт бир азобга айланган. Тамаки, спиртли ичимликлар, қаҳва, чой, пепсикола ёрдамида улар ўзларини бардам қилишга бефойда уринишади. Кишиларнинг аксарияти ўз қорнининг қулига айланишган: улар эрталаб нонушта қилишни, тушда ва кечқурун тўйиб овқатланишни шарт ҳисоблашади. Кўпинча очми-тўқми қараб ўтиришмайди — еяверишади, тағин денг сифатсиз овқатларни паққос туширишади. Шунга кўра саломатликларининг мазаси йўқлигига ажабланмаса-да бўлади. Овқатланиш бўйича йирик мутахассислардан бири профессор Арнольд Эрет шундай деган эди: «Ҳаёт — овқатланишни яхши билмаслик фожиасидан иборатдир».

«Инсон овқатланиш жараёнида ўзига қабр қазийди» деган эски нақл ҳам айни ҳақиқатдир. Кўпчилик ошқозонга сира дам беришмайди. Улар ортиқча овқат билан доимо ҳазм қилиш аъзоларини зўриқтиришади. Оқибат бу аъзолар ишдан чиқади. Бутун танага ҳам шикаст етади.

Оч юриб кўргач, сиз ейишга одатланган миқдордаги овқат сизга зарур эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Оч юриш натижасида ошқозон ҳажми кичраяди ва сиз аввалгидан икки ҳисса кам овқат есангиз ҳам ўзингизни яхши ҳис эта бошлайсиз. Оч юришнинг ғайрилмий нарса эканлигини исботлашга уринадиган одамлар ҳам бор. Мен ҳар доим улардан ўзлари оч юрган-юрмаганлигини суриштираман ва доимо улар: «Йўқ!» деб жавоб беришади. Бу одамлар куч-қувватни сақлаш учун овқатланиш жоизлигини, акс ҳолда касалликлар бошланишини уқтиришади. Лекин бу хато! Бир неча кун оч юрганда юз бериши мумкин бўлган баъзи салбий ҳолатлар боиси биз одатларимиз қулига айланиб қолганлигимиз сабаблидир. Оч юришга уч кун чидаб берилса, кейинчалик у нуқул ҳузур келтиради